

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 11-may, shanba № 35 (15673)

«Talabalar bahori — 2013»

Фестивалга пухта ҳозирлик кўрилмоқда

Юртимизда Президентимиз раҳнамолигида ёшларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишлари учун барча зарур шарт-шароит яратилмоқда. Айниқса, турли танлов ва мусобақалар, ранг-баранг тадбирлар ёш авлоднинг ўз иқтидори ҳамда салоҳиятини рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, бир қатор вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳамкорлигида олий ўқув юртлири талабалари ўртасида илмий-ижодий алоқаларни янада кенгайтириш, уларнинг билим ва интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш мақсадида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Талабалар баҳори» фестивали ҳам ана шундай тадбирлар жумласидандир.

Яқинда Хоразм вилоятида ўтказиладиган «Талабалар баҳори — 2013» фестивалида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятдан уч ярим минг нафардан ортиқ талаба-ёш иштирок этади. Фестиваль доирасида талабалар иштирокида илмий анжуман, олий ўқув юртлирининг салоҳиятини намойиш этувчи кўргазмалар, «Кувноқлар ва зукколар», «Ниҳол» талабалар театр томошалари танловлари, «Заковат» интеллектуал ўйини, спорт мусобақалари, ёшлар экологик акцияси, талабаларнинг билим ва иқтидорини ривожлантиришга кўмаклашувчи маҳорат дарслари, «Камолот-Тур» экскурсияси ва бошқа қатор тадбирлар ўтказилади.

Айни кунларда вилоятда мазкур фестивалга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилмоқда.

— Бу йил фестивалнинг Хоразмда ўтказилиши бизга ўзгача ифтихор бағишлайди ва катта масъулият юклайди, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси Мансур Машарипов. — Тадбир давомида иштирокчилар Юртбошимиз ташаббуси билан Урганч шаҳри ва туманларда амалга оширилаётган кенг қўламли ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўладилар.

— Айни пайтда фестивалга тайёргарлик ишлари қизгин давом этмоқда, — дейди Урганч давлат университетининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Санжар Давлетов. — Вилоятдаги барча олий ўқув юрти, тегишли бошқарма ва ташкилотлар анжуманга турли вилоятлардан келадиган ёшларни муносиб кутиб олиш ва тадбирларни юксак савияда ўтказишга қаратилган барча чора-тадбирни амалга оширмоқдалар. Жумладан, университетимизда иштирокчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишини таъминлаш мақсадида турли мусобақалар, кўнгилочар тадбирлар ва маданий-маърифий кечалар ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Анжуман доирасида ўтказиладиган барча тадбир ва ижтимоий лойиҳаларда юртимизда олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсати ва соҳага оид ислохотлар самаралари, ёшларимиз эришаётган катта ютуқ ва муваффақиятлар ўз ифодасини топишига алоҳида эътибор қаратилади.

А.ШОКИРОВ,
ЎЗА муҳбири



Сардор Муллажонов фотосўзлаши

Инсон — азиз, хотира — муқаддас!

Xotira va qadr

Хотира ва қадр деб аталмиш муқаддас тушунчалар ҳақида гап кетганда, албатта, меҳр-оқибат, яхшилик, саховатпешалик сингари бебаҳо фазилатлар тилга олинади. Бундай фазилатлар Хотира ва қадрлаш кунда ўтказилган тадбирларда янада яққол акс этди.

9 май куни файзли гўшалардан бирига айланган пойтахтимиздаги Хотира майдони юртдошларимиз билан тўлиб-тошди. Шу куни бир гуруҳ фаол «Камолот»чилар ҳам бутун Ўзбекистон ёшлари номидан Хотира майдонига ташриф буюриб, Мотамсаро

хотирлаш учун, яна кимдир саёҳат учун келган.

Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги «Баҳор» маҳалласида истикомат қилаётган меҳнат фахрийси, 78 ёшли Эшмамат ота Иброҳимов ҳам бу ерга ўтганларни хотирлаш учун келганини айтди. Хотира майдонидаги уруш қатнашчилари номлари битилган китоблардан бирини варақлаётган зангиоталик 84 ёшли Жўра бобо Бердиев ҳам уруш қатнашчиси.

— Бу ерга ҳар йили Иккинчи жаҳон урушида

ҳалок бўлган отам — Бердибой Рўзमतовни хотирлаб келаман, — дейди Жўра бобо. — 14-15 ёшимда фронтга кетганман. Шукрки, биз кечирган урушлар бугунги авлод учун хотира бўлиб қолди. Бунинг учун Юртбошимизга мингдан-миг раҳмат. Шундай тинч, фаровон юртда ҳаёт кечираётганимиздан бахтиёрман.

Улар ким бўлишидан қатъи назар, қалбида фақат эзгулик мужассам, у ҳам бўлса — ўтганлар хотирасини ёд этиш ва уларга ҳурмат кўрсатиш. Зеро, бу тушунчалар тирликнинг азалий мезонларидир.

(Давоми 5-бетда)

Hududlardan mujdalar

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ

Нукус шаҳридаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида вазирликлар, корхона ва ташкилотлар ходимлари ўртасида мини футбол бўйича «Камолот» кубоги» Нукус биринчилиги очик турнири бўлиб ўтди.

Харакатнинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Болалар спортни ривожлантириш жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси футбол федерацияси, Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси ҳамкорлигида ташкил этилган турнирда ўн тўртта жамоа тўп сурди.

Икки кун давом этган мусобақа якунида Қорақалпоғистон Республикаси ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри жамоаси биринчи ўринни, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги жамоаси иккинчи ўринни, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги учинчи ўринни эгаллади.

Пойтахт «Камолот»чилари 1 майдан 25 майга қадар «Инсон қадри — азиз, ўтганлар хотираси — муқаддас!» ҳамда «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» лойиҳасини ўтказмоқда.

Лойиҳа доирасида Иккинчи жаҳон уруши фахрийларидан хабар олиниб, мавжуд қабристонларда ободонлаштириш ишлари олиб бориляпти. Эътиборлиси, «Бунёдкор» ёшлар телеклуби ижодкорлари томонидан уруш қатнашчилари хонадонларидан фото ва видеоархив яратиш режалаштирилган. Шу кунга қадар Мирзо Улуғбек, Бектемир, Миробод, Яккасарой туманлари ҳамда «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудида истиқомат қилаётган II жаҳон уруши қатнашчилари хонадонида бўлиб, уларга байрам совғалари улашилди.

Лойиҳа доирасида уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатида ҳам байрам тадбири бўлиб ўтди. Тадбирда эстрада хонандалари, театр актёрлари, ёш ижодкорлар иштирокида концерт дастури ҳавола этилди.

Иш пайтида улар ўзлари ташаббус кўрсатиб, ҳамкасблари билан тажриба алмашишади, ишдан сўнг «Камолот» боғларини ташкил қилишади, спорт мусобақаларида қатнашишади ва яна бошқа турли қизиқарли лойиҳаларни амалга оширишлари мумкин. Бугунги кунда «Урганчтрансгаз» шўъба корхонаси тасарруфида ўн та таркибий тузилма мавжуд. Тармоқ корхоналарнинг бештаси Хоразм вилоятида, қолгани Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган. Уларда жами 969 нафар ёш ишчи ва ходим меҳнат қилади. Бу ёшларнинг аксарияти Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотига аъзо.



Ташаббуслар бир кишидан чиқмайди

— Бошланғич ташкилотлар таркибий тузилмаларимизда ҳам ташкил қилинган, — дейди «Урганчтрансгаз» шўъба корхонасидаги «Камолот» ЁИХ БТ етакчиси Собир Бозорбоев. Суҳбатдошимиз корхонада саноат хавфсизлиги бўйича муҳандис лавозимида ишлаб келмоқда. — Тармоқ корхоналари географик жиҳатдан тарқоқ жойлашганига қарамай, етакчилар билан яқиндан алоқа қиламиз. Шахсан ўзим хизмат сафари билан корхоналарга тез-тез бориб тураман. Албатта, бошланғич ташкилот етакчилари билан учрашиб, гаплашаман. Улар ўз гоё ва таклифларини, баъзан муаммоларини айтади. Етакчи сифатида фаолият бошлаганимда ёш ходимларимиз орасида иккита масала, айниқса, долзарб бўлиб турганди. Биринчиси — уларнинг касбий малакасини ошириш, иккинчиси — ўзаро тажриба алмашишлари учун шароит яратиш масаласи. Биласиз, бугунги кунда қайси соҳада бўлмасин, мутахассис-кадрлардан хорижий тилларни ҳамда замонавий компьютер технологияларини пухта ўзлаштириш талаб қилинмоқда. Бу икки омил касбий малакани белгилашда ҳам инobatга олинади. Корхонамиз қошида ўқув комбинати мавжуд. Ҳар йили у ерда юзлаб ишчи ва ходимлар малака оширишади. Бу йил биз корхона ёшлари номидан та-

шаббус билдириб, комбинатда компьютер саводхонлиги, инглиз ва рус тиллари бўйича ўқув курсларини очдик. Утган уч ой ичида инглиз тили курсида йигирма нафар ходим билим олган бўлса, компьютер саводхонлиги курсини 170 нафар ёш тамомлади.

Ҳарқалай, бошланғич ташкилот доирасидаги бу каби янги ташаббуслар фақат бир кишидан чиқмайди. «Урганчтрансгаз» «Камолот»чиларининг бошини қовуштиришда Собир Бозорбоевга ҳамроҳлик қилувчи фаол етакчилар тизимда кўп. Шулардан бири — Илмира Абдуллаева. У Хива шаҳрида жойлашган Заунгур магистраль газ қувири бошқармасидаги Ҳаракатнинг бошланғич ташкилоти етакчиси. Ўзиям жуда ғайратли қизда. Бу йил ҳамкасб-тенгдошларига бош бўлиб, корхонада «Камолот» боғини ташкил қилди. Баҳорда бошланғич ташкилот фаоллари боғда кўкаламзорлаштириш ишларини олиб боришди. Урни келганда таъкидлаш керакки, «Камолот» боғлари «Урганчтрансгаз» шўъба корхонасига қарашли барча таркибий тузилмаларда ташкил этилган. Бу йил уларда жами 1750 туп мевали ва манзарали дарахт кўчати ўтказилди.

Заунгур магистраль газ қувири бошқармасидаги компрессор станцияларда «Урганчтрансгаз» шўъба корхонаси тизимидаги бошқа корхо-

наларнинг ёш ишчи ва ходимлари учун ўзига хос ўқув машғулотларини ўтказиш ташаббуси ҳам Илмира Абдуллаевага тегишли. Бундай машғулотлар корхонага янги ишга кирган мутахассисларга, айниқса, асқотяпти. Шу баҳонада ёш кадрлар компрессор станцияларнинг иш фаолияти билан бевосита танишиб, касбий кўникма ва амалий билим эгаллашади, тажриба орттиришади.

— Орамизда спортга қизиқувчи ёшлар ҳам жуда кўп, — давом этади Собир Бозорбоев. — Шу боис бошланғич ташкилотнинг иш фаолиятида спорт тадбирларига алоҳида урғу қаратганмиз. Спортга доир лойиҳаларни мунтазам амалга ошириш учун шароитларимиз етарли. Корхона тасарруфидаги «Хидоят» дам олиш ва соғломлаштириш мажмуасида спорт майдончаси қуриб ишга туширилган. Аксарият мусобақаларни шу жойда ташкил қиламиз. Ўтган ойда шахмат-шашка ва стол теннис бўйича «Камолот» турнирларини ўтказдик. Мусобақаларда ёшлар уюшқоқлик билан иштирок этишади. Бу ҳам бизни бирлаштириб турувчи яхши бир сабабдир.

«Урганчтрансгаз» шўъба корхонасидаги «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилотида ишнинг намунали йўлга қўйилганини сўнгги йилларда етакчилар томонидан қўлга киритилган ютуқларга

қараб ҳам билса бўлади. Бошланғич ташкилотнинг аввалги етакчиси Азамат Эломов 2011 йилда «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирланган эди. Ҳозир у Урганч газ қувири магистрალი бошқармаси бошлиғи сифатида фаолият кўрсатяпти. Собир Бозорбоев эса, ўтган йили «Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!» шиори остида ўтказилган Ҳаракатнинг корхона, ташкилот ва муассасалардаги бошланғич ташкилотлари етакчиларининг республика форумида қатнашиб, «Ёшларда экологик маданиятни шакллантириш йўналишидаги илғор тажриба муаллифи» номинацияси ғолиби бўлди.

— Очиги, форумдаги иштироким етакчи сифатида юксалишимга ёрдам берди, — дейди Собир Бозорбоев. — Республикадаги бошқа йирик корхона ва ташкилотлардаги «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилотлари етакчилари билан танишдим, улардан кўп нарсани ўргандим. Бундай мулоқотлар Ҳаракатнинг қуйи бўғинлари фаолиятини жонлантиришга ёрдам бериши, шубҳасиз, Ҳар ҳолда ўзимиздан қиёс қилсам, шундай. Режаларимиз ҳали кўп, ўйлаб-манки, жамоамиз билан барчасини амалга ошириб, ижобий натижага эришамиз.

Наргиза УМАРОВА



Финалда «Камалак» шоввозлари

Қашқадарё вилоятидаги «Ёшлар маркази»да «Камалак» билимдонлари» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда мактаб ва иштирокчидан муваффақиятли ўтиб келган 112 нафар иштирокчидан иборат ўн учта жамоа қатнашди.

Жамоалар танишув, саҳна кўриниши, савол-жавоб ва ижтимоий лойиҳа шартлари асосида ўзаро беллашди. Танлов шартларини баҳолаб борган ҳакамлар ҳайъатининг ҳулосасига қўра, Шаҳрисабз туманининг «Камалак» шоввозлари» жамоаси биринчи ўринга, Косон туманининг «Камалак» жамоаси иккинчи ўринга, Қарши туманининг «Янги авлод» жамоаси эса учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Энди «Камалак» шоввозлари» жамоаси танловнинг республика босқичида вилоят шаънини ҳимоя қилишади.

Нилуфар НАЗАРОВА,
Қашқадарё вилоят «Камалак» болалар ташкилоти раиси

«Kamolot» sadosi

Nafis san'at

Истеъдод ва маҳорат тантанаси

Ўзбекистон давлат консерваториясида Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазириликлари, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси ҳамкорлигида «Наврўз садолари» кўп овозли миллий чолғу ансамблларининг VI республика фестивали бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан эллик беш ижодий жамоа иштирок этди.

Уч кун давом этган фестиваль мобайнида санъат ихлосмандлари юртимизда миллий маданиятимизни янада юксалтириш, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилаётган кенг кўламли ишлар бугун нечоғли самара бераётганига гувоҳ бўлишди.

Фестивални энг ёш мусиқачилар — мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари бошлаб берди. Кўзларида умид чақнаган, ўзларига муносиб сазни кўлда тутиб, саҳнага улкан ҳаяжон ва ҳайрат билан чиққан болалар ижроси барчани завқлантирди. Шундан сўнг мусиқа ва санъат мактаблари, касб-хунар коллежлари ўқувчилари ва Ўзбекистон давлат консерваторияси талабалари мусиқа байрамиди давом эттирди.

Бу йилги фестиваль олдингиларига қараганда анча кенг кўламли, иштирокчилар сони кўплиги баробарида танловга сараланган композиторлар асарларининг мураккаблиги билан алоҳида аҳамият касб этди. Шунга қарамай, юртимизнинг турли гушаларидан келган ёш созандалар фестивалда кўтаринки руҳда иштирок этди.

Тенгдошимиз Искандар Собиржонов Андижон вилоятининг Бўтақора қишлоғидаги 7-махсус мусиқа мактаб-интернатида 9-синфда ўқийди. Фестивалга гижжак навосидан тенгдошларини баҳраманд этиш учун келган.

— Фестивалнинг вилоятимиздаги саралаш босқичида бизнинг «Шодиёна» миллий чолғулар камер-оркестримиз биринчи ўринни олди. Ушбу фестивалдаги иштирокимиз ҳам яхши кутиб олинди, — дейди Искандар. — Мактаб-интернатимизда барча имкониятлар мавжуд. Қолаверса, ўтказилаётган кўрик-танловлар биз, ёш мусиқачиларнинг истеъдодимизни рўёбга чиқаришга кўмаклашапти. Бунинг учун юртимизда санъатимиз ривожига қаратилаётган юксак эътибордан чексиз миннатдоримиз.

Фестиваль якуни эсда қоларли бўлди. Яхши ижрочилар тақдирланди. Шунингдек, дилтортар қуйлар янграб, йиғилганлар кўнглига шодлик улашди. Уч кунлик фестиваль санъат мухлисларига йилларга татиғулик ажиб мусиқий тароват тухфа этди.

Хайриддин МУРОД,
«Turkiston» мухбири



Faxriylar davrasida

Тинчлик — улф бахт

Қуроллар, аскар либоси, турли хил фотолар... Урушнинг аччиқ кунларидан ҳикоя қилувчи бундай экспонатларни кузата туриб, беихтиёр бугунги тинч замонга шукрона айтасан, киши. Иккинчи жаҳон уруши кўринишлари акс эттирилган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари давлат музейини айланар экансиз, кўз ўнгингизда урушнинг даҳшатли кунлари акс этгандай бўлаверади. Бу эса, бугунги ёш авлод учун тарихий хотира мактабидир.

9 май — Хотира ва қадрлаш куни арафасида ушбу музейда экспонатларнинг жонли гувоҳига айланган бир гуруҳ Иккинчи жаҳон уруши фахрийларини Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири қабул қилди ва уларни Хотира ва қадрлаш куни билан самимий табриклади.

Тўқсон ёшли Саидали бобо Матисоқов ҳам уруш иштирокчиси. У Тошкент вилояти Бектемир туманидаги «Сомонбозор» маҳалласида истиқомат қилади. Юриши тетик, гапи дадил отахон билан суҳбатлашганимизда, у ҳамон машина ҳайдашини таъкидлаб ўтди.

— Ўн тўққиз ёшимда урушга кетганман, — дейди Саидали бобо. — Қанчадан-қанча қурбонлар, машаққатлар эвазига ғалабага эришилди. Ушанда юртимизга қайтиш учун етти ойлаб пиёда юришга тўғри келган. Бизнинг ҳаётимиз бугунги ёшларга ибрат бўлсин, улар тинч ва обод юртимизнинг қадрига етсин. Мана бу — «Ватанга қасамёд» ҳайкалини кўриб, ҳавасим келяпти. Қаранг, аскар Ватан байроғини ўпиб, онасининг дуосини оляпти. Шукрки, озод ва тинч юртда яшаймиз. Инсон учун бундан ортиқ бахт борми?!

Тадбирда сўз олганлар бугунги тинч ва осойишта юртимизга шукроналар келтиришди. Қуролли Кучлар Марказий ашула ва ракс ансамбли ва санъат усталарининг байрамона концерт дастури эса тадбирга ўзгача файз бағишлади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири, генерал-лейтенант Қобил Бердиев, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо ҳамда вазирлик вакиллари иштирок этди.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири

Hududlardan mujdalar

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

«Ўзметкомбинат» ОАЖ «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти ва касаб-ба уюшма кўмитаси ҳамкорлигида «Одам савдоси ва унинг оқибатлари» мавзуида ишчи-ҳодимлар ўртасида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда Бекобод шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари, шаҳар бош имом-хатиби ҳамда комбинат-цех ходимлари иштирок этишди. Давра суҳбатида мутахассислар одам савдоси ва жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида тўхталиб ўтди.

Тадбирда бундай иллатларнинг олдини олишда, энг аввало, ҳар бир фуқаронинг ўзи, қолаверса, ота-оналар фарзандлари тарбиясига янада эътиборли бўлишлари таъкидлаб ўтилди.

САМАРҚАНД

Самарқанд шаҳридаги 13-мактабда «Аждодлар мероси — келажак пойдевори» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги, Ҳаракатнинг вилоят кенгаши, халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилган танловда вилоятдаги туман ва шаҳарлардан юздан ортиқ жамоалар қатнашди. Жамоалар учта шарт бўйича ўзаро беллашди.

Қизиқарли шартлар асосида ўтган танлов сўнгида Пахтачи туманининг «Амир Темур» жамоаси фахрли биринчи ўринни қўлга киритди.

Самарқанд «Ёшлар маркази»да анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолибликни қўлга киритган ўн олтита жамоа иштирок этди. Жамоалар таништирув, савол-жавоб, тергов амалиёти ва суд жараёнлари тўғрисида саҳна кўриниши ҳамда жамоа сардорлари беллашуви шартлари асосида ўзаро беллашди. Ҳар бир шарт мамлакатимизда қабул қилинган қарорлар ҳамда Президентимиз асарлари бўйича олиб борилди.

Танлов ҳайъатининг якуний ҳулосасига кўра, Самарқанд шаҳри жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов мавзуси: «Қишлоқ ҳудудларини ижтимоий иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда, қишлоқ аҳолиси фаровонлигини янада юксалтиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг кенг иштирокини таъминлаш».

Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

— ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида оилавий бизнесни, хусусий тадбиркорликни, уй меҳнатини ташкил этиш ва ривожлантириш;

— кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш асосида аҳолига янги иш ўринларини яратиш ва ишга жойлаштириш;

— мини технологиялар ишлатиладиган қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш мақсадида ҳудудларнинг имкониятларини ўрганиб чиқишга кўмаклашиш, асослантирил-

ган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётда қўллаш;

— ижтимоий ва бозор инфратузилмасини янада ривожлантириш, аҳоли тураржойларини ободонлаштириш борасидаги ишларнинг кўламини янада кенгайтириш;

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Жамоат фонди номига грант лойиҳаси тақдим этилаётганлиги ҳақидаги қузатув хати;

2. Жамоат фондининг www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант олиш учун лойиҳаси ва унинг электрон варианты funduz@parliament.gov.uz; fundno@parliament.gov.uz электрон манзилига;

3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

4. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 миллион сўмгача. ННТларнинг ўз маблағларини жалб этиши ва ижтимоий шериклик қўллаб-қувватланади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2013 йил 1 июнь соат 18-00 га қадар қабул қилинади.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (A4 формат): 100035, Тошкент шаҳри Бунёдкор шоҳ кўчаси, 1-уйда жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун тел: 239-26-76, 239-26-64.

Мақсадим — олимпия ўйинларида иштирок этиш

Мамлакатимизда ёш авлоднинг соғлом, баркамол бўлиб ўсиши учун яратилган шарт-шароитлардан самарали фойдаланаётган ота-оналар, ёшлар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда.



Самарқандлик Марина Мирзаёрова ҳам «Дельфин» сув спорти саройида кўплаб ёшларга мураббийлик қилиб, спортнинг инсон саломатлиги, руҳий ва жисмоний ривожланишидаги аҳамиятини теран ҳис этгани учун ҳам қизи Комилага сув спорти сирларини пухта ўргатмоқда.

— Ўн бир ёшимдан буён сув спорти билан шуғулланиб келмоқдаман,

— дейди Комила. — Онамнинг бошқа шогирдлари қатори менга ҳам талабчанлиги самарасида иродам мустаҳкамланиб, ўз келажагимга бўлган масъулиятим ошмоқда. Бу шу пайтгача эришган барча муваффақиятимда бош омил бўлди, деб биламан.

Комила, қанчалик мураккаб бўлмасин, синхрон сузишни сузиш ҳавзасига

келган илк кунданок пухта ўзлаштира бошлади. Тинимсиз машқлар, спортга меҳр ўз самарасини берди. Ёш спортчи 2009-2012 йилларда дуатлон, триатлон ва синхрон сузиш бўйича Ўзбекистон биринчилиги ва мамлакат кубоги мусобақаларида совринли ўринларни қўлга киритди. Бир неча марта мамлакат чемпионлиги ва кубогига сазовор бўлди.

Синхрон сузиш бўйича «Сув париси» халқаро турнири ҳамда «Мустақиллик кубоги» мусобақасида иккинчи ўринни эгаллади.

Жорий йилда Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида юртимизнинг бир гуруҳ иқтидорли, фаол ва интилувчан қизлари қаторида Комила Суярова ҳам Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди.

— Зулфия номидаги Давлат мукофоти лойиқ кўрилиши ҳаётимдаги энг унутилмас воқеа бўлди, — дейди Комила. — Кўксимга ушбу нишон тақилган ўша пайтдаги ҳаяжонимни сўз билан ифодалаб беролмайман. Бу мукофотга сазовор бўлган куним спорт уста-

лиги номини ҳам олганим мен учун қўшалок байрам бўлди. Бунинг учун биз, ёшларга чексиз меҳр ва ғамхўрлик кўрсатаётган Президентимиздан, ота-онам ва мураббийларимдан чексиз миннатдорман. Ҳар бир мусобақада уларнинг ишончини оқлашга, халқаро майдонда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга ҳаракат қиламан. Келгусида Олимпия ўйинларида иштирок этишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман.

Комила бугунги кунда Самарқанд педагогика коллежида таҳсил олмоқда. У спорт машғулоти, мусобақаларда қатнашиш баробарида, дарсларни пухта ўзлаштириш,

коллеждаги маданий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этишга ҳаракат қилади.

— Ҳар бир ота-она учун фарзандлари бахту камоллини кўришдан ортиқ саодат бўлмаса керак, — дейди Марина Мирзаёрова. — Қизимнинг спортга меҳр қўйиб, яхши натижаларга эришаётгани барчамизга чексиз фахр ва ғурур бағишлайди. Бугун нафақат она, балки мураббий сифатида ҳам юртимизда миллионлаб спортсевар ёшларга яратилаётган шарт-шароитлардан хурсанд бўламан. Уларга чин дилдан ҳавас қиламан.

Ҳ.ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири

Menga so'z bering

Инсоннинг ички олами, дунёқараши, қизиқишларини эғнидаги либосга қараб баҳолаш мумкинми? Афсуски, орамизда кийимга қараб кутиб олаётган, муомаласига қараб кузатадиган инсонлар ҳам йўқ эмас. Шу ўринда савол туғилади: эғнимиздаги либос қай мақсадга хизмат қиляпти? Биз нима учун кўркем, ҳашамдор, ачинарлиси, ярми очиқ либослар кийишни «урф» қиляпмиз?

Ўзлигимизни унутмайлик

Қандай кийиниш ҳар кимнинг ўзига ҳавола. Бироқ кийинишнинг ҳам меъёри, маданияти бор. Баъзан ўзим таҳсил олаётган таълим муассасасидаги айрим тенгдошларимнинг эғнидаги либосларига қараб, ўқишга келаяптими ёки бирор тўй-базмга, деб ўйлаб қоламан. Ахир, талабалик янги урфдаги кийим, қимматбахор уяли алоқа воситаси, турли хил тақинчоқларни кўз-кўз қилишдан иборат эмас, аксинча, устозлардан сабоқ олиб, мутахассисликни яхши ўзлаштириш, келажақда юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўша оладиган касб эгаси бўлишдир.

Энди танганинг иккинчи томонига қарайдиган бўлсак, гоҳида устоз-ўқитувчиларнинг ҳам кийиниш бобида ёшлар билан тенгма-тенг рақобатлашаётганлигига амин бўламиз. Шундай экан, биз ким ва қандай касб эгаси бўлишимиздан қатъи назар, ўзлигимизни унутмаслигимиз зарур. Миллий урф-одат ва қадриятларимизни унутманган ҳолда замон билан ҳамнафас қадам ташлайлик. Шундагина барчаси меъёрида бўлади.

Сайёра ЗУПАРОВА,
ЎЗДЖТУ талабаси

Taklif

Ҳозирги ёшларнинг ақлий қобилиятларини, мустақил фикрлаш малакаларини шакллантиришда, ҳеч шубҳасиз, аниқ фанларнинг ўрни катта. Айниқса, математика фанини чуқур ва мукамал эгаллаган ўқувчи ҳамма соҳада муваффақиятли ишлаб кета олади.

Ёшларда мантиқий тафаккур шаклланиши

Ўзим математика ўқитувчиси бўлсам-да, бутун диққат-эътиборимни ўқувчиларнинг ўзига хос ҳаётий қарашларини, билимларини амалда қандай қўллаш олишларига, ҳар бир воқеадан тўғри хулоса чиқара олишларига қаратаман. Энг муҳими, ўқувчилар жамият тараққиётида фаннинг ўрни ва аҳамиятини чуқурроқ тушуниб етмоқдалар.

Математика фақатгина ақлни чархлаб қолмасдан, балки таълим олувчи ёшларда ватанга садоқат, юртга муҳаббат, ота-онага ҳурмат, қолаверса, ўз танлаган касбига виждонан муносабатда бўлиш туйғуларини ҳам шакллантиришга ёрдам беради.

Тез ва мантиқан тўғри фикрлай олишга ўрганган ўқувчиларда ирода ва қатъиятлилик, фикрни жамлай олиш, масъулиятни ҳис эта билиш фазилатлари шаклланади. Зотан, математика — ақл гимнастикаси, дея бежиз айтилмаган.

Гулчеҳра КИСТАБОЕВА,
Янгийўл ижтимоий-иқтисодий коллежи ўқитувчиси

Барча ютуқлар тинчлик туфайли

Хотира инсоннинг қалби ва тафаккури орқали идрок этилади. Инсон хотира орқали ўзлигини англаб, эътиқоди мустаҳкамланиб, маънавий жиҳатдан шаклланади. Сабаби, хотира фақат инсонгагина хос хусусиятдир.



Сардор Муллажонов олган сурат

Мамлакатимизда хотира ва қадрлашга юксак эътибор қаратилаётгани катта ижтимоий, тарбиявий аҳамият касб этмоқда. Хусусан, 9 майни Хотира ва қадрлаш куни сифатида, байрам тарзида нишонлашнинг ҳуқуқий жиҳатдан белгилангани юртимизнинг кечаси ва бугунги кунини боғловчи мустаҳкам кўприк вазифасини ўтамоқда. Зеро, аждодларимизнинг ватан равнақи ва тинчлиги йўлида амалга оширган ишлари ёш авлод учун ўрнақдир.

Юртимизда Иккинчи жаҳон урушида жасорат кўрсатган аждодларимизнинг унутилмас фидойилиги муносиб тарзда қадрланаётгани эътиборга молик. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда фашизмга қарши курашда иштирок этган беш мингдан ортиқ Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси моддий-маънавий қўллаб-қувватланмоқда. Чунончи, уларнинг жасорати, фидойилиги шундай шуқуҳли ва саодатли кунларга етишимизни таъминлагани эътироф этилмоқда.

Инсон бор экан, хотира ва

қадр тушунчалари яшайверди. Зеро, бу тушунчалар жамият ва давлат тараққиётининг муҳим омили бўлиб, ҳаётда эзгулик, маънавият ва ахлоқ, меҳр-оқибат, миллий ўзликни англаш фазилатларининг ёшлар тафаккурида шаклланиши таъминлайди.

Тинчлик тушунчаси хотира ва қадр тушунчалари билан мантиқан боғлиқ. Ота-боболаримиз, бувиларимизнинг дуога қўл очиб, яратгандан, аввало, тинчлик-хотиржамлик тилаши бежиз эмас. Зеро, тинчликнинг нақадар буюк неъмат эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Қолаверса, ҳар бир инсоннинг шахсий ҳаёти ва фазолиятида хотиржамлик бўлмаса, ишида унум, турмушида ҳаловат бўлмайди.

Мамлакат тинчлиги ва осойишталиги муҳим аҳамиятга эга. Чунки барча соҳадаги ислохотларнинг туб негизи айнан тинчлик-хотиржамликка тақалади. Тинчлик ҳукм сурган жойда юксалиш ва тараққиёт бўлади. Шу боис юртимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ тинчлик бебаҳо қад-

рият даражасига кўтарилди.

Тинчликнинг қадр-қиммати ни ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Бугун мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осудаликка халқимизнинг тинимсиз меҳнати, фидойилиги ва жасорати туфайли эришганимизни ёш авлод дилдан ҳис этиши, шу муқаддас заминимизга меҳр-муҳаббат туйғуси билан камол топмоғи лозим. Зеро, жамиятда тинчликни асрашда ижтимоий фаол, юрагида она-Ватанимизга беқиёс муҳаббат жўш урган, халқпарвар, элсевар, соғлом ва баркамол ёшларни тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Чунки юртимизда тинчликни асраб-авайлашда ёшларнинг ижтимоий фаоллиги, дунёда ва мамлакатимизда содир бўлаётган воқеаларга дахлдорлик туйғуси, мустақил, фаол фуқаролик позицияси муҳим ўрин тутди. Тинчликнинг аҳамияти, унинг олий қадрият экани ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, аввало, юртимиздаги тинчлик-осойишталик билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз, хусусан, эртанги кунимиз ворислари — ёшлар англаб етиши зарур.

Ҳар қандай жамиятнинг осойишталиги ҳамда тараққиёти ўша жамият аъзоларининг ижтимоий муносабатлардаги фаоллиги, ижтимоий онги шаклланиши билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан мамлакат тарихини, унда содир бўлган воқеалар ва уларнинг оқибатларини англаб, идрок этиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Айниқса, хотира ва қадр тушунчалари моҳиятини англаб, унинг замиридаги юксак одамийлик фазилатларини фарзандларимизга тушунтириш зарурати бугунги шиддатли даврда биз, катталардан чуқур масъулият талаб қилади.

Эшмуҳаммад ҚОДИРОВ,
Тошкент давлат юридик институти доценти

Инсон — азиз, хотира — муқаддас!

(Давоми, боши 1-бетда)

ШУКРОНАЛИК ИФОДАСИ БУ

Президентимизнинг 9 май — Хотира ва кадрлаш куни муносабати билан эълон қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонида кўра, республикамизнинг барча ҳудудларида II жаҳон уруши қатнашчиларига қимматбаҳо совғалар ва пул мукофотлари тантанали равишда топширилди. Тадбирларда кучоғи гулдасталарга тўлган уруш фахрийларининг кўзига нега ёш келишини изоҳлаш ортиқча. Тинч ва омон кунлар учун билдирилган шукроналик ифодаси бу. Ёшлар эса Хотира ва кадрлаш кунини тинчлик учун курашган инсонлар хотирасини абадийлаштириб, бугунги кунни кадрлаш деб тушунади.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати юрт тинчлиги йўлида курбон бўлган ватандошларимиз хотирасини ёд этиш, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш мақсадида «Инсон — азиз, хотира — муқаддас!» лойиҳасини ўтказди. Хотира ва кадрлаш куни муносабати билан ташкил этилган лойиҳа доирасида «Камолот»нинг фаол етакчилари ва сардорлари томонидан қариялар уйлари, зиёратгоҳ ва қабристонларда ободонлаштириш ишлари олиб борилади, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олинди.

Ҳаракат аъзолари II жаҳон уруши фахрийлари ва ногиронлари билан учрашиб, мулоқот қилишди, хотираларни эшитишди. Ўзига хос тарбиявий аҳамиятга эга бўлган бундай эзгу юмушлар навқирон авлод вакиллари кўз ўнгиде амалга оширилади. Мазкур лойиҳа доирасида халқимизнинг сеvimли санъаткорлари, давлат ва жамият ривожига муносиб ҳисса қўшаётган инсонлар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти, «Нихол» мукофоти совриндорлари ва Ҳаракатнинг ташаббускор ёшлари ҳамда фаоллари иштирокида «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», «Таъзим сизга, азиз фахрийлар!», «Уч авлод учрашуви», «Ҳеч ким меҳр-эҳтибордан четда қолмасин!», «Ободлик кўнгилдан бошланади», «Хотира ва кадр — юксак маънавий қадрият», «Қариялар эъзозда» шиори остида қатор маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар ҳамда хайрли ишлар амалга оширилди.

— Ўтказилган тадбирлар давомида юртимиздаги беш мингдан зиёд Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, нурунийлар ва ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиниб, уларга Ҳаракатнинг байрам табрикно-



малари ҳамда ижтимоий совға пакетлари топширилди, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши бўлим мудир Маъмур Баёнов. — Ҳаракат фаоллари нафақат уруш қатнашчилари, балки мустақил Ўзбекистоннинг тинчлигини сақлаш йўлида мардларча ҳалок бўлган инсонларнинг оилаларида ҳам бўлишди. Бу йилги лойиҳамизда Ҳаракатнинг фаол етакчилари ва сардорлари томонидан Мурувват уйлари ҳамда беш мингга яқин зиёратгоҳ ва қабристонларда ободонлаштириш ишлари олиб борилади, ёлғиз кексалар ва боқувчисини йўқотган қарияларнинг уй юмушларига кўмаклашилди. Ҳар бир ҳудудда уруш қатнашчилари билан ёшлар учрашувлари ташкил этилди. Хотира майдонларида эса уч авлод учрашувлари бўлиб ўтди. Жойларда ўтказилган тадбирлар олдидан «Инсон — азиз, хотира — муқаддас!» мавзусида тайёрланган ижтимоий роликлар намойиш этилди. Ҳаракатнинг туман кенгашилари томонидан «Камолот» кубоги спорт мусобақалари ўтказилди. Бундай тадбирларни амалга оширишда Республика «Нуруний» жамғармаси яқиндан кўмаклашди.

ФАХРИЙЛАР — ЁШЛАР ЭЪЗОЗИДА

«Инсон — азиз, хотира — муқаддас!» лойиҳаси самарқандлик ёшларнинг ҳам хайрли ташаббусига айланди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларини бу шарафли байрам билан қутлаш, улар бошдан кечирган оғир кунларнинг заҳматини ёшларга етказиш мақсадида ўтказилган турли учрашувлар, давра суҳбатлари, концерт дастурлари билан бирга, зиёли отахону онахонларнинг ҳолидан хабар олиниб, уй-рўзғор ишларига кўмаклашиш учун хонадонларига ташрифлар уюштирилди. Самарқанд

шаҳридаги Хотира майдонида Ҳаракатнинг Самарқанд шаҳар кенгаши томонидан ташкил этилган икки авлод учрашувида Иккинчи жаҳон урушида қатнашган ва фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар иштирок этди. Улар бир гуруҳ ёшлар билан учрашиб, ўзларининг панду насиҳатларини ва эзгу тилакларини билдиришди. Ёшлар ҳам юксак эҳтиром ва эҳтиборга муносиб отахону онахонларга ўзларининг дил изҳорларини билдиришди.

— Учрашувда боболаримиз айтган гаплардан шундай хулоса чиқардим: аввало, тинчликнинг қадрига етиш керак экан. Сўнг ҳар бир ёш мана шу мусоффо осмон учун, тинч ва осуда ҳаёт учун, жамиятимизнинг барқарор ривожланиши учун бор куч-қудратини ишга солиб, меҳнат қилмоғи лозим, — дейди Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги 1-академик лицей ўқувчиси Алишер Муҳаммадиев.

Икки авлод вакиллари Самарқанд шаҳридаги диққатга сазовор жойларда ҳам бўлишди. Жумладан, «Кўзmunчоқ» номли нодавлат мактабгача таълим муассасасида, 1-болалар мусиқа ва санъат мактабида ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида бўлиб, замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланган ўқув хоналари, компьютер заллари, мультимедиа ва лингафон хоналари билан танишишди. Отахонлар компьютерлардан онлайн тарзида маърузалар ҳам тинглашди.

— Бугунги ёшлар учун барча шароитлар яратилган. Бунга ёшлар таълим ва тарбия олаётган муассасаларда бўлиб, яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Бу, аввало, замонавий тинчлиги, ҳаётимизнинг фаровонлиги ва жамиятимизнинг ободлигидандир, — дейди II жаҳон уруши қатнашчиси, 92 ёшли Мусо бобо Бакиров.

Тадбир сўнггида нурунийлар бир пиёла чой устида суҳбат

қуришди. Дилрабо куй-қўшиқлар эса йиғилганларга қувонч бағишлади.

КЕКСАЛАРГА ЭҲТИРОМ

Тошкент вилоятида юрт тинчлигини химоя қилган 573 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва уруш ногиронлари истиқомат қилади. Уларнинг барчаси давлатимизнинг ғамхўрлигидан миннатдор. Тинч, осойишта юртимиз учун жонфидолик қилиб, кексалик гаштини сураётганлар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг ҳам доимий эъзозиди.

Пойтахт вилоятининг «Камолот»чилари ҳам «Инсон — азиз, хотира — муқаддас!» лойиҳаси доирасида уруш қатнашчиларига байрам совғаларини улашиш, ҳашар йўли билан боқувчисини йўқотганларнинг уйлари, муқаддас қадамжоларни, Хотира майдонлари ва қабристонларни ободонлаштиришда алоҳида ташаббус кўрсатди. Вилоят сардорлар кенгаши аъзоларидан иборат бир гуруҳ ёшлар томонидан «Сиз доим ардоқдасиз», «Инсон қадри — азиз, ўтганлар хотираси — муқаддас», «Таъзим сизга, фахрийлар!» шиори остида вилоятда истиқомат қилаётган уруш қатнашчилари, ёлғиз яшовчи ва ногирон кексалар ҳолидан хабар олиниб, уларга эсдалик совғалар, ташаккурномалар тарқатилди. Шу билан бирга, «Нуруний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва «Камолот» сардорлари иштирокида икки юз нафар ногирон фахрий хонадонидида «Сиз доим ардоғимиздасиз!» шиори остида учрашувлар ўтказилиб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

Байрам кунлари Ҳаракатнинг туман ва шаҳар кенгашлари таълим муассасаларида Иккинчи жаҳон уруши фахрийларининг эзгу мақсадларини ёшларга етказиш, уларда фахр ва ифтихор туйғусини шакллантириш мақсадида

икки авлод ва уч авлод учрашувлари ўтказилди. Учрашув доирасида ўқувчилар томонидан махсус дастур тайёрланиб, фахрийларга совғалар улашилди.

— Президентимизнинг бизга кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрлигидан кўнглимиз тоғдек кўтарилди, — дейди Қибрай тумани Солор шаҳарчасида истиқомат қилаётган II жаҳон уруши қатнашчиси, тўқсон ёшли Мўмин бобо Атакаев. — «Камолот»чи набираларимдан ҳам хурсандман. Уйлайманки, менинг фарзандларим, юртимиздаги барча болаларим мустақилликнинг шарофати ила йўлга қўйилган тинчликни доимо сақлайди, улар бахтли ҳаёт кечиради.

Чирчиқ шаҳридаги академик лицейда «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши ҳамда Республика Маънавий тарғибот маркази ҳамкорлигида ўтказилган «Юртимиз фидойилари хотираси абадийдир» мавзусидаги тадбирда ҳам бир гуруҳ меҳнат фахрийлари, уруш қатнашчилари ва ёшлар иштирок этди. Тадбир давомида Ҳаракатнинг Чирчиқ шаҳар кенгаши томонидан тайёрланган мусиқий дастур намойиш этилди.

Қашқадарё вилоятида ишонланган Хотира ва кадрлаш куни Қарши шаҳридаги «Мотамсаро она» монументи пойига гулчамбар қўйишдан бошланди. Тадбирда ёшларга Хотира ва кадрлаш кунининг моҳияти ва нуруний қарияларга ҳурмат-иззатда бўлиш, тинчфаровон ҳаётимиз қанчалик машаққатлар эвазига барпо қилинганлиги ҳақида айтиб ўтилди. Шундан сўнг фаол «Камолот»чилар уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ва яққа-ёлғиз қарияларнинг уйларига йўл олишди. Улар кексалар ҳолидан хабар олиб, эсдалик совғаларини ҳамда «Камолот» фаолларининг чексиз миннатдорлик изҳори битилган табрикномаларини топширишди. Ёшлар учрашувлар давомида нуруний отахон ва онахонларнинг ибратли ҳаёт йўлидан хабардор бўлишди. Лойиҳа доирасида вилоятдаги қабристонларни тозалаш ва ободонлаштириш мақсадида «Камолот» шанбаликлари ташкил этилди.

Хотира ва кадрлаш кунига бағишланган байрам лойиҳалари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан республикамизнинг барча ҳудудларида амалга оширилди.

Ҳаракат томонидан ташкил этилган бундай тадбирларда мамлакатимизда инсон қадри ва шаънининг юксаклиги, жамият фаровонлигининг инсон тақдирида тутган ўрни, тинч-осойишта ҳаётимизнинг, мусоффо осмонимизнинг қадрига етиб яшаш, юрт осойишталиги учун курашган аждодлар ёди доимо барҳаётлиги, дунёнинг кўплаб минтақаларида бугун давом этаётган қарама-қаршиликлар, нотинч аҳвол ҳар биримиздан доимо сезгир ва оғоҳ бўлиб яшаши ҳақида сўз борди.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири.
Сардор Муллажонов
олган сурат



Эзгуликка хизмат қилиб...

Адабиёт кишиларни эзгуликка ундовчи, дилларга меҳр-муҳаббат, самимият туйғуларини жо этувчи, халқ маънавиятини юксалтирувчи бемисл кучдир. Шу боис истиқлол йилларида юртимизда адабиётга юксак эътибор қаратилди. Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида «Ижод» фонди ташкил этилди. Бу ғамхўрлик замирида халқимизнинг нафақат таниқли ёзувчи-шоирлари, балки энди униб-ўсаётган, ижод майдонига янги овоз билан кириб келаётган ёш ижодкорларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Фарғона вилояти бўлими масъул котиби, шоира Энахон Сиддиқова билан суҳбатимиз адабиёт, вилоятдаги адабий муҳит, ёш ижодкорларга яратилаётган имкониятлар, китоб ва китобхонлик хусусида бўлди.

— Давр шитоб билан ўзгаряпти. Турли «маданият»лар пайдо бўляпти. Қолаверса, компьютер, интернет кун сайин тараққий этапти. Шундай вазиятда адабиётнинг, китобхонлигининг ўрни нечоғли деб ўйлайсиз?

— Ёшларнинг маънавиятини юксалтиришда, ёшлик шуурини мусаффо, беғубор сақлашда, шубҳасиз, адабиётнинг хизмати, аҳамияти беқиёс. Негаки, адабиётнинг асосий вазифаси — инсонпарварликка хизмат қилиши. У инсонпарварликка хизмат қилишни тўхтатдим, демек, у адабиёт эмас. Шукрки, миллий адаби-

ётимизда инсоний туйғуларни тараннум этувчи асарлар бисёр. Ҳар бир ота-она фарзандига пойабзал ёки сумка солиб олаётганда, шу буюмлар ёнига бир дона яхши китоб ҳам қўшиб харид қилса, нақадар ажойиб бўлади. Ёшларни китоб ўқимасликда айблаимиз-у, бунинг сабабини ўйлаб кўрмаймиз. Менимча, агар ўғил-қизларимизни болаликдан кўпинча мультфильм кўриш ёки компьютер ўйинига эмас, китоб ўқишга ўргатсак, бугун китобхонликни муаммо даражасига кўтармасдик.

Юртимиз тобора чирой очиб, халқимизнинг яшаш тарзи биз тасаввур қилгандан-да яхшиланиб, эртанги кунга муносабати ижобий ўзгаряпти. Бу, шубҳасиз, истиқлол йилларида амалга оширилаётган, боболаримиз орзу қилган буюк ислохотлар самарасидир. Бу ўзгаришлар ёшларимизнинг тафаккурида, орзу-



умидларида ҳам теран бўй кўрсатяпти. Улар орасида адабиёт, китоб муҳибларининг борлиги алоҳида мавзу.

— Фарғона вилоятидаги адабий муҳит ҳақида нима дейсиз?

— Мустақиллик миллий адабиётимизнинг қайтадан қаддини кўтариши, янги истеъодларни кашф этиши билан алоҳида аҳамият касб этади. Бугунги кунда бир гуруҳ ёш истеъодлар адабиётимизга гуриллаб кириб келаётир. Улар орасида фарғоналик ижодкор йигит-қизлар ҳам таллайгина. Айни пайтда вилоятда ўн бешта тўгарак фаолият кўрсатаётганининг ўзи ёшлар-

нинг ижодга нечоғли қизиқётганидан дарак беради. Иқтидорли ижодкорлар раҳбарлик қилаётган бу тўгараклар ёшларнинг маънавиятини юксалтиришга, ўсиб келаётган ижодкорларнинг иқтидорини тўғри йўналтиришга катта ҳисса қўшяпти. Ўн уч нафар Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибасининг олти нафари ижодкорлардир. Бу қизлар ҳамон суръатни бўшаштирмай, фаол ижод билан машғул. Қолаверса, фарғоналик истиқболли ёш ижодкорлар «Келажак овози», «Истеъод мактаби» каби кўриктанловларда иштирок этиб, иқтидорлари сайқалланмоқда.

Дилнавоз Қўлдошева, Илмиддин Умматалиев, Дилшоода Ҳалимжонова, Қобилжон Шерматов, Шарофат Исмоилов сингари истеъодли йигит-қизлар адабиётга недир янгилик олиб киришга уринапти. Уларнинг камолига, интилишига қараб, Фарғонадаги адабий муҳит ривожланади, деган ишонч юракда янада мустаҳкам бўлади.

— Юртимизда адабиётга катта эътибор берилмоқда. Бу ғамхўрлик Фарғона вилояти адабий муҳитида қай тарзда намоён бўляпти?

— Ижодга меҳрини, умрини бахш этишга-да тайёр бундай ёшларнинг истеъоддини камол топтириш, уларга ҳар томонлама кўмак бериш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. «Ижод» фонди кўмаги билан «Истеъод мактаби» кўрик-танловида голиб бўлган ёш ижодкорларнинг китоблари «Адиб» нашриётида икки минг нусхада чоп этилди. Шунингдек, Хувайдо, Фурқат, Муқимий, Увайсий, Чархий каби мумтоз адабиётимиз даргаларининг асарлари Фарғона вилояти ҳокимлиги маънавият-маърифат кенгаши томонидан нашр этилди. Бу ҳам ёшларимизнинг ижодий юксалиши, уларни мумтоз шеъриятимиздан хабардор этишда муҳим аҳамиятга эга.

ЎзДЖТУ талабаси
Мохинур МУҲАММАДЖОН
қизи суҳбатлашди

Бобомерос эзгулик анъанаси

Ma'naviyat sarchashmasi

«Оммавий маданият»нинг турфа кўринишлари кўпайиб бораётган, ёшлар тафаккури ва онгига салбий таъсири кучаяётган бир пайтда миллий қадриятларимизни мустаҳкамлашга, ёшлар шуурига сингдиришга бўлган эҳтиёж тобора ошмоқда. Чунки миллий қадриятларнинг мустаҳкамланиши, кенг тарғиб қилиниши, ёшлар онгига сингдирилиши ўсиб келаётган ёш авлодни «оммавий маданият»нинг салбий таъсиридан муҳофаза қила олади.

Шу муносабат билан миллий қадриятларнинг мазмуни-моҳиятини ўрганиш, таҳлил қилиш, унинг тарбиявий қудратини ошириш масаласи ўз долзарблигини йўқотмаётир. Зеро, миллий қадриятлар деганда, ҳар бир халқнинг тили, тарихи, эътиқоди, адабиёти, санъати, урф-одатлари, бошқача айтганда маданий-маънавий мероси тушунилади.

Ҳар қандай шароитда ҳам, чунончи, бирон миллат овоз, фаровон бўлганда ҳам, тобелик исқанжасига тушиб қолганда ҳам унда миллий қадриятларни сақлаб қолиш учун ички имконият, эҳтиёж мавжуд бўлади. Миллий қадриятлар кишилар тарихий бирлигини таъминлайдиган этник маконда шаклланади ва турли шаклда намоён бўлади.

Миллий қадриятлар одамларнинг кундалик турмуш тарзида, уларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларида, манфаатларида, қизиқишларида аққол кўзга ташланади. Шунингдек, миллий қадриятлар бир жойда қотиб қолмайди, тарихий тараққиёт жараёнида ўзгариб, такомиллашиб боради, янги мазмун ва шаклга кирилади. Шунингдек, қадрият

ўтмишдан бугунга қадар давом этаётган жараёндир. У ажодлардан авлодларга ўтади. Ўз навбатида, ажодларни авлодлар билан боғловчи кўприк вазифасини бажаради. Худди шунинг учун ҳам миллий қадриятлар ҳар бир миллатнинг ўзига хос анъаналарини, хусусиятларини ўзида акс эттиради.

Ўзбек миллий қадриятлари замирида юксак инсонпарварлик ғоялари ётади. Узок йиллар давомида халқимизнинг ўзаро муносабатларида, кундалик турмуш тарзида ҳамкорлик ва ҳамдардлик, вафодорлик ва ўзаро ҳурмат, бир-бирига суяниш, яхши кўшничилик, болажонлик, ота-онага ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат, садоқат кўрсатиш каби хислатлар эъзозланиб келинади. Бундай инсоний фазилатлар, хислатларнинг қарор топишида бобомерос муқаддас динимиз маданиятининг таъсири ҳам бор. Чунки халқимиз неча асрлардан буён эътиқод қилиб келаётган муқаддас динимизнинг мўтабар манбаларида инсоний фазилатлар, хислатлар энг олий қадрият сифатида ҳар томонлама улуғланган. Худди шу ҳолат миллий қадриятларимизнинг умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашиши учун имконият яратади. Ўз навбатида, бу миллий қадриятларимизни янада мустаҳкамлаш учун куч бераётир. Шу боис миллий қадриятларимизнинг тарбиявий аҳамиятини ошириш учун ёшларга анъаналаримизнинг туб моҳиятини тўлақонли тушунтиришимиз, улар ичида бизни халқ, миллат сифатида жаҳонга танитаётган, тенглар ичра тенглигимизни таъминлаётган куч, шубҳасиз, бобомерос қадриятлар эканини тарғиб этишимиз муҳим аҳамият касб этади.

Тоҳир ҚУРБОНОВ,
Тошкент ахборот технологиялари
университети Қарши филиали доценти

Yaxshilar yodi

Инсонларнинг ҳаёт йўли турфа. Кимдир умрини беҳуда гап-сўзлар, арзимас ишлар, фақат ўзининг тирикчилик қайғуси билан андармон бўлиб ўтказади. Яна кимдир эса, ўзига берилган умрни одамларга эзгулик улашиш учун сарф этади. Буни қарангки, қилган яхши амаллари туфайли ҳам хонадонидан файз-барака, яхшилик аримайди, ҳам халқ олқишини олиб, инсонлар ёдида яхши ном қолдиради. Касбилик қўли енгил, ширинсухан шифокор Усмон Жўраев ҳам умрини кишиларга яхшилик улашишга бағишлаган инсонлардан эди.

У ҳаётни севарди

Усмон Жўраев Касби туманида чорвадор оиласида вояга етган. Мактабни тамомлаб, Самарқанд давлат тиббиёт институтига ўқишга кирди. Кунт билан ўқиди. Халқ саломатлиги йўлида жонкуяр шифокор бўлиш аҳди билан институтни имтиёзли диплом билан тугатди.

Ўқишни тамомлаган ёш шифокор Касби тумани соғлиқни сақлаш бирлашмасига қарашли ички касалликлар бўлимида даволовчи шифокор вазифасида иш бошлади. Орадан бир йил ўтиб, ёш мутахассиснинг тиришқоқлиги, касбига бўлган масъулияти ва меҳрини кўриб, бирлашма раҳбарияти уни бўлим раҳбари этиб тайинлайди. Оқ либосига доғ теккизмасликка интилган Усмон Жўраев Муборак, Миришкор туманларида ҳам самарали меҳнат қилди. Қаерда, қайси вазифада бўлмасин, биринчи навбатда, касбга садоқатни, инсонпарварликни унутмади.

— Мен Усмонни болаликдан буён биламан, — дейди дўсти, нафақадаги ўқитувчи Байрамали Омонов. — У очиккўнгил, самимий, ўзига талабчан эди. Касбий маҳорати ҳақида гап кетганда, шуни айтишим керакки, Усмон, назаримда, туғма шифокор эди. Бундай дейишимнинг боиси, беморларнинг хасталик сабабини ранг-рўйига, юрак уришига қараб, тез, кўпинча фавқуллода аниқ биларди. У ҳаётни севарди ва бу севгида худбинлик эмас, одамларга кўпроқ нафим тегсин, деган инсоний мақсад бор эди.

Усмон Жўраев олти икки йиллик умри мобайнида кўплаб инсонларга яхшилик қилди. Ўзи каби фидойи шогирдлар тайёрлади. Шунинг баробарида, рафиқаси Санобар Ражабова билан ақлли, бамаъни фарзандларни камолга етказди. Шифокорнинг ўғли Иброҳим ота касбини давом эттириб, халқ дуосини оляпти. Демак, Усмон Жўраев номи узок йиллар эл аро унутилмайди.

Ҳайдар НАФАСОВ,
Касби қишлоқ ва сув хўжалиги касб-хунар коллежи
директори ўринбосари

Ёшлар гавжум маскан

Elga xizmat — oliy himmat

Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманига кимнинг йўли тушса, аҳолига хизмат кўрсатувчи кўркем «Мажнунтол» мажмуасини кўрмай ўтмайди. Сабаби, мажмуада яратилган шароитлар, қулай ҳордиқ чиқариш имкониятлари ҳар бир кишини ўзига жалб этади.

Мажмуада ажойиб болалар майдончаси ташкил этилган. Унда тажрибали мураббий Оксана Швецова олти ёшгача бўлган болалар билан қизиқарли, саломатлик учун фойдали машғулотлар олиб боради. Турли гаройиб ўйинлар учун махсус жиҳозлар, аттракционлар ўрнатилгани ҳам мажмуага интилувчи болалар, ота-оналарнинг кўпайишига хизмат қиляпти. Болалар бу масканда нафақат қизиқарли машғулотлар билан шуғулланишади, балки малакали муаллима кўмагида инглиз тилини ҳам пухта ўрганишади.

Туман ёшларининг иш ва ўқишдан бўш вақтларида маданий ҳордиқ чиқаришларида кўмаклашиш мақсадида мажмуага замонавий ўйин жиҳозлари олиб келинди. Шунингдек, киноаттракционнинг ташкил этилгани ҳам туманда ўзига хос янгилик бўлди.

Айни пайтда мажмуа тумандаги касб-хунар коллежларидан иш ўрганиш учун



келган ёшлар билан гавжум. Бунга сабаблардан бири — унда ёш мутахассисларга талабнинг юқорилиги бўлса, иккинчиси — бу йил мажмуада 180 янги иш ўрни яратилганидир. Мажмуа ходимларининг 62 фоизини ёшлар ташкил қилади. Яхши янгиликлардан яна бири, бу йил касб-хунар коллежларининг ўттиз нафар битирувчиси билан уч томонлама шартномалар тузилиб, мажмуага ишга қабул қилинди.

Мажмуадаги шароитлар билан танишарканмиз, ёшлардаги шижоатга, танлаган мутахассислигидан мамнулигига гувоҳ бўлдик. Фурсатдан фойдаланиб, айрим ёшларнинг орзу-интилишлари, мажмуа ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан қизикдик.

Хилола Алимова,
Нуробод энергетика
ва иқтисодиёт касб-

хунар коллежи
битирувчиси:

— Ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётини мазкур мажмуада ўтказяпман. Бу касбий малакамни мустаҳкамлаш баробарида коллежда олган билимимни амалиётга татбиқ этишда ёрдам берапти. Юртимизда аҳолига хизмат кўрсатувчи бундай масканларнинг барпо этилиши биз, ёшларнинг ихтисослигимизни пухта ўзлаштиришимизда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фаррух Ҳасанов,
коллеж битирувчиси:

— Ўқишни тамомлаб, ушбу мажмуага ишга келмоқчиман. Сабаби, бу ерда биз, ёшларнинг кунт билан меҳнат қилишимиз, ўз соҳамизни пухта эгаллашимиз учун шароитлар етарли.

Гулжаё Асқаралиева,
коллеж битирувчиси:

— Бугунги мутахассис ўз ишини пухта билиши, тадбиркорона иш юрита олиши лозим. Барча шароитлар яратилган касб-хунар коллежларида ўқиб, малакали мутахассис бўлиш учун юртимизда барча имкониятлар муҳайё. Биз, ёшлар бундай қулайликдан оқилона фойдаланишимиз ва виждонан меҳнат қилишимиз зарур.

Ёшларнинг ҳаяжонга бой фикрларидан сўнг яна мажмуа билан танишишда давом этдик. Ўша аснода ёшлар айтган фикрларда жон борлигига, мажмуада ишчи-ходимларнинг спорт билан шуғулланиши, маданий ҳордиқ чиқариши учун қулай имкониятлар мавжудлигига амин бўлдик.

Ашурали БОЙМУРОД,
«Turkiston» мухбири

Билим амалиётда мустаҳкамланади

Данғара транспорт касб-хунар коллежи тумандаги намунали таълим муассасаларидан бири. Мазкур таълим муассасасида айни кунда 1332 нафар йигит-қиз тўрт йўналиш бўйича касб-хунар ўрганипти. Уларга саксон нафарга яқин ўз соҳасининг етуқ мутахассиси бўлган педагог ва касбий таълим усталари устозлик қилишяпти.



Коллежда таълим жараёнларини замон талаблари даражасида олиб бориш учун 35 та ўқув хонаси, тўртта ўқув лабораторияси ва иккита ўқув устaxonаси мавжуд. Ўқув хоналари ва лабораториялар кўрғазмали қурол ва керакли жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган.

Автомобиллар тузилиши ўқув лаборатория хонасига «Nexia» ва «Damas» автомобилларининг двигателни куч узатиш агрегатлари, двигател созлигини аниқловчи жиҳозлар

ўрнатилганлиги ўқувчиларнинг автомобиль двигателини текшириш ва таъмирлашни ўрганишларида қўл келяпти.

Автомобиль юриш қисмларини диагностика қилиш устaxonасида замонавий ускуналар ўрнатилган. Бу ерда ўқувчилар касбий таълим устаси Улуғбек Жўраев раҳбарлигида машғул олтиб боришади. Кувонарли жиҳати шундаки, ўқувчиларнинг барчаси мустақил равишда диагностика ишларини олиб бора олади. Бу уларнинг

Hademay mutaxassis bo'lishadi

ўзлари таълим олаётган йўналишга, касбга қизиқишидан далолат беради.

Жорий ўқув йилида мазкур таълим муассасасини 403 нафар ёш битиради. Уларнинг ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётлари уч томонлама шартнома асосида ташкил этилган бўлиб, уларга ўқув муассасаси ва корхона-ташкilotлардан малакали мутахассислар бириктирилган. Битирувчилар, асосан, «Кўқон автотеххизмат» МЧЖ, «Ўзавтодарётранс» агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бўлими тизимидаги 17 та автокорхонада амалиёт ўташяпти.

— Ўқувчиларимизга пухта билим берилаётгани, ўқув-лаборатория машғулотларининг самарали ташкил этилгани ўз мевасини берапти, — дейди коллеж директорининг касбий таълим бўйича ўринбосари Ойбек Ниёзов. — Бунинг исботи сифатида «Кўқон автотеххизмат» МЧЖга ишлаб чиқариш амалиётига юборилган ўқувчиларнинг 33 нафари корхонада ишга қолаётганини айтиш мумкин. Бошқа корхона ва ташкilotларда амалиёт ўтаётган ўқувчилар ҳам ўз билими ва интилиши билан яхши натижа кўрсатиб, кўпчилиги ўша ернинг ўзида ишга қоляпти.

Нодиржон ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири

СУРАТДА: Ўқувчилар «Кўқон автотеххизмат» МЧЖда двигателнинг электр қисмини диагностика қилишни ўрганишяпти.



Тирик афсона

Англиянинг таниқли «Манчестер Юнайтед» клуби бош мураббийи сэр Алекс Фергюсон мавсум якунига етганидан сўнг мураббийлик фаолиятига якун ясагани эълон қилди.

Клуб матбуот хизматининг хабар беришича, инглиз футбол тарихидаги энг муваффақиятли мураббий 19 май куни бўлиб ўтадиган «Вест Бромвич Альбион»га қарши ўйиндан сўнг фаолиятини клуб бошқарувида давом эттиради, аниқроғи, клуб директори сифатида фаолият олиб боради. Алекс Фергюсон мураббийлик фаолиятини 1974 йил бошлаган, 1986 йилдан буён «Манчестер Юнайтед»га мураббийлик қилиб келаётган эди. У жамоа билан бирга ўн уч марта Англия чемпионлиги, беш марта Англия кубоги, тўрт марта лига кубоги, ўн марта Англия суперкубогини қўлга киритган, икки марта Европа чемпионлар лигасида, бир мартадан УЕФА кубок эгалари кубоги, УЕФА суперкубоги, қитъалараро кубок ва клублар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ғолиб чиққан. Айни кунларда клуб «Эвертон»нинг бош мураббийи Дэвид Мойес билан олти йиллик шартнома тузди.

Янада қулай

Viber интернет-телефония хизмати компьютерлар учун махсус дастур чиқарди.

Хизмат шу кунгача фақат iOS, Android, Windows phone, Blackberry OS каби мобил платформаларда ишлайдиган қурилмаларда илова-дастур форматада ишлар эди. Энди Viber фойдаланувчилари компьютерларидан ҳам кўнгиракларни амалга оширишлари мумкин бўлади. Бундан ташқари, Viber илк мартаба видеокўнгирак хизмати ҳам ишга туширган, фойдаланувчилар ҳозирча фақат компьютердан компьютерга видеокўнгиракни амалга ошира олади. Дастурни ишга тушириш учун фойдаланувчи тармоққа телефон рақамини киритиши ва унга тасдиқ кодини олиши керак. Бундан ташқари, фойдаланувчи бир ҳаракат билан компьютердаги кўнгиракни смартфонда давом эттириши мумкин. Сайтда расман фойдаланувчилар сони 200 миллиондан ошиб кетгани маълум қилинди. Viberнинг асосий рақиби Skype фойдаланувчилари сони 560 миллиондан ортиқ.

Жабрланганлар кўпаймоқда

Бангладешнинг Дакка шаҳридаги бино қулаши натижасида ҳалок бўлганлар сони мингдан ошиб кетди.

Айни кунда ҳукумат томонидан 1006 кишининг жасади топилгани маълум қилинди. Одатий бир кун давомида юздан ортиқ кишининг жасади топилмоқда. Айни вақтда қутқарувчилар ҳали асосий бино вайронларини очгани йўқ. Тезкор қутқарув хизмати ходимлари уч минг ишчидан 2,5 мингдан зиёд кишининг ҳаётини сақлаб қолишга муваффақ бўлган. Бинода тикувчилик фабрикаси бўлганлиги сабабли, жабр кўрганларнинг асосий қисми аёллардир. Хозирда ўн икки кишига нисбатан жиноий иш қўзғатилган.

Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади



Hunari borning xazinasi bor

Мумтоз услубда

Ёгочга ишлов бериш санъатида миниатюра йўналиши энг мумтоз услуб ҳисобланади. Республика рассомлик коллежининг 3-курс ўқувчиси Олим Қуддусов ҳам амалий санъатнинг ушбу турига меҳр қўйган ёш хунармандлардан. Бир неча йиллардан буён устози Дурбек Муҳаммадқаримовдан тайёр қутчаларга турли ислимий ва гулли нақшлар чизишни ўрганаётган тенгдошимиз интилишдан, изланишдан чарчамайди. Унинг миниатюралари республика ва халқаро миқёсда ўтказилган танловларда намоиш этилиб, совринларга сазовор бўлган.

СУРАТДА: Олим Қуддусов навбатдаги санъат асарига ишлов бермоқда.

Ҳамида УСМОНОВА фотолавҳаси

Yoshlik ilhomi

ВАТАН

Юракка суратинг чизаман,
Ардоқлаб асрайман қалбимда.
Субҳидам уйғониб ўзимни
Кўраман бетакрор бағрингда.

Капалак қўнганда оҳиста,
Таралгай гулларнинг ифори.
Ватан, сени қўмсайди юрак,
Гўзаллигинг ҳис этган сари.

Мусаввир эмасман, лек сени
Юракда ранг-баранг васф этдим.
Қизингман эркатой, шаънингга
Дилда эзгу изҳорим битдим.

БОЛАЛИК

Юрагим ҳаққирар дукиллаб,
Хаёллар юқниб кезинар.
Болалик, мен билан хўшлашмай,
Олислаб кетганинг сезилар.

Қанийди, ортига қайтса вақт,
Чопқиллаб чарчамай югурсам.
Варрақлар учириб самога,
Тоабд қизалоқ бўп қолсам.

Келажак чорлайди олдинга,
Болалик, сен гўзал хотира.
Сен билан ўтган вақт мазмунли,
Лаҳзалар ёдимдан ўчмайди сира.

Нилуфар БОБОЖОНОВА,
Жиззах давлат педагогика
институтини қошидаги 2-академик
лицей ўқувчиси

YON DAFTARCHANGIZGA

Сирларингни дўстларингга ҳам ишонма, чунки
дўстларингнинг ҳам дўстлари бор.

Саъдий

Сергели туманидаги 301-мактаб томонидан 1995 йил 15 июнда
Айдашқина Людмила Равшановна номига берилган АО №005425 ра-
қамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Kichik tadqiqot

Ҳаммаси ўзимизга боғлиқ

Халқимиз турмуш фаровонлиги кун сайин юксалиб, йўлларимиз автотранспорт воситалари билан гавжумлашди. Шаҳар ва олис қишлоқлар орасини замонавий транспорт воситалари бирлаштирди. Бу эса йўл-транспорт ҳодисалари сони кўпайиши баробарида соҳа ходимлари олдида янгидан-янги вазифаларни қўймоқда.

Ҳаёт тасодифларга тўла. Кутилмаганда рўй берган бахтсиз ҳодисалар туфайли кимдир жароҳатланиши мумкин. Бунга, аксарият ҳолларда, ҳайдовчилар ва пиёдаларнинг йўл ҳаракати коида-

ларига риоя қилмаслиги, маст ҳолда машинани бошқариш, баъзан ноқулай об-ҳаво шароити сабаб бўлиши мумкин. Аслида, кўнгилсиз ҳодисалар рўй бермаслиги ўзимизга боғлиқ. Бу-

нинг учун ҳар биримиз йўл ҳаракати қоидаларини, ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни яхши билишимиз керак. Қолаверса, ўсиб-улғаяётган ука-сингилларимизга йўлда ҳаракатланиш қоидаларини ўргатсак, фойдадан холи бўлмайди.

Бу борада фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳам бир қатор вазифаларни амалга ошириши, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориши мумкин. Чунки, йўл-кўчаларда маҳалла фаолларидан иборат уч-тўрт кишилик жамоатчи-

лик назоратини йўлга қўйиш мумкин. Айниқса, мактаб, боғча, маҳалла гузари, дўкон ёки бозорчалар яқинида транспорт воситалари ҳаракатини кузатиб бориш орқали ноҳуш ҳодисаларнинг олдини олиш мумкин. Қолаверса, маҳалла фаоллари учун бу бўйича махсус услубий қўлланмалар ишлаб чиқилиб, амалиётда фойдаланилса, айти мудоа бўлади.

Нуриддин ЁҚУБОВ,
Тошкент автомобиль-
йўллар институти
магистранти

Шифо-бахш тоғ муми			1	6		3	9	4	Мовий-ранг	Самолёт русуми	«... ва Маргарита» (асар)					
	6						2				100 йил	...-одат, мода	Жак ... Кусто (сайёх)			
«Мантиқ ...-тайр»	3	2	7			6	1	Диёр, юрт	Шаҳар (инглизча)				Оху, кийик			
Нурафшон, чарогон	7	6	3		1	9		Ҳарбий бўлима	...мон, из...		Қўшиқ-даги юқори парда					
				...-сингил				Лаосдаги тила			8	7	9			
Муסיкий йўналиш		Тоғ коваги, унғур						Тасдиқ сузи	Актёр ижроси			4	8	7	5	
						Краҳмал						3		1		
												2	5	6	4	
Болалар журнали	Дедалнинг ўғли	Билим - чироғи				Саоқ қўшим-часи						3	1	2	5	
								«...йи тамом бўлди»	Уйғурча хамирли таом							
														8	3	
														2	9	5

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов

МУАССИС:

«КАМОЛОТ»
ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон
Республикаси
Матбуот ва ахборот
агентлигида 2007
йил 19 апрелда
№ 0242 рақам
билан рўйхатдан
ўтган.



Бош муҳаррир:

Ашуров Салим Тўраевич

Тахрир ҳайъати:

Баҳодир Фаниев, Меҳриддин Шуқуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодёжь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи муҳаррир:

Юсупов Рустам Қўчқорович

Саҳифаловчи:

Рўзиев Зафар Хусанович

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Манзилмиз: 100083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:

(371) 233-95-97. (371) 233-79-69

e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Буюртма Г-543.
Адади — 13598

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.50
ЎЗА якуни — 20.30

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6